



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН


janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 17 июль, пайшанба, №73 (3574).

>>> Президент

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ



KAZINFORM. Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макронни мамлакатнинг миллий байрами – Бастилия куни билан самимий муборакбод этди.

Давлат раҳбари табрикномасида Франциянинг халқаро майдондаги муваффақиятларини эътироф этди. Шу муносабат билан Президент Тұқаев Франция халқининг тинчлик ва тараққиёт йўлидаги интилишларига муваффақиятлар тилади.

Шунингдек, Қозоғистон ва Франция ўртасидаги дўстона алоқалар сўнгги йилларда стратегик шериклик даражасига кўтарилгани қайд этилди. Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев Франция раҳбари Эммануэль Макроннинг ушбу муҳим жараёнга қўшган шахсий ҳиссасини юксак қадрлашини маълум қилди.

>>> Қозоқ хонлигига – 560 йил

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК САҲНАСИ

Қозоғистон тарихи саҳифаларида шундай сана борки, у мамлакатнинг тақдирини белгилаб, ўзлигини бутун дунёга намоён этган. Бу сана – 1465 йил. 560 йил муқаддам султонлар Керей ва Жанибек турли юртларда пароканда бўлиб юрган қозоқ уруғларини бир туташ хонликка жамладилар. Бу нафақат тарихий воқеа, балки миллий давлатчиликка асос солган қадам эди.

Бу ҳақда буюқ тарихнавис Муҳаммад Ҳайдар Дулатий ўзининг машҳур “Тарих-и Рашидий” асарида батафсил ёзиб қолдирган. Унинг ёзувларида Керей ва Жанибекнинг сарҳадсиз даштларда адолат ва бирлик асосида давлат барпо этишдаги жасорати, халқни бирлаштиришдаги ҳаракатлари ёритилган.

Бу манбани ўрганган буюқ мутафаккир Шўқан Уалиханов Дулатий асарларини чуқур таҳлил қилган. Россиялик машҳур шарқшунос В. Вельяминов-Зернов эса “Муҳаммад Ҳайдар Дулатий ўз замонасининг етук тарихчиси ва ёзувчиси сифатида танилган ва Дулат уруғининг намояндалари-

дан бири бўлган. Бу уруғ тарихий ўнатирилган очлик, Сталин давридаги қатагонлик ва II жаҳон урушининг ҳалокатлари қозоқ халқига улкан мусибатларни солди. Аммо бу эл ўзликни йўқотмади, юксак миллий ифтихор ва сабр-тоқат билан яна тикланди.

ДАВЛАТЧИЛИК ШАКЛЛАНГАН ЙЎЛ

Қозоқ хонлиги ўз тарихий йўлида кўп синовлардан ўтди. Биринчи султонлар ўз даврларида фақат сарҳадларни эмас, балки миллатнинг маънавий дунёқарашини ҳам мустаҳкамладилар. Қасим хоннинг “Ёруғ йўл”и, Есим хоннинг “Асосий йўл”и, Тауке хоннинг “Етти қомуси халқ орасида муҳим қонун сифатида шаклланди.

Бироқ давлатчилик осонликча ривожланмаган. Жунгор босқин-

лари, 20-аср бошларидаги сунъий ўнатирилган очлик, Сталин давридаги қатагонлик ва II жаҳон урушининг ҳалокатлари қозоқ халқига улкан мусибатларни солди. Аммо бу эл ўзликни йўқотмади, юксак миллий ифтихор ва сабр-тоқат билан яна тикланди.

ЯНГИ БОСҚИЧ – ИСТИҚЛОЛ ВА ЎЗЛИКНИ ТИКЛАШ

Ниҳоят, 1991 йилда Қозоғистон мустақиллигини эълон қилди. Бу сана нафақат сиёсий, балки маънавий жиҳатдан ҳам тарихий адолат тикланган кундир. Қозоқ халқи асрлар давомида орзу қилган мустақиллик, давлатчилик ғояси амалга ошди.

Шунинг учун ҳам Қозоқ хонлигининг 560 йиллиги бу шунчаки сана эмас. Бу – миллатнинг хотираси ва келажакка дадил қадмларидир.

Қозоғистон тарихини ушбу санадан бошлаш шарт эмас, албатта. Юртимизнинг илдишлари анча чуқур. Аммо айнан Қозоқ хонлигининг вужудга келиши миллий давлатчиликнинг тарихий ва сиёсий шаклланишида тамал тоши вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам 1465 йилдаги бу буюқ воқеа халқ хотирасидан ўчмайди, балки доим ифтихор ва эъзоз билан тилга олинади.

А. АБДУФАТТОҶ



СОҒЛОМ ЖАМИЯТ – БАРҚАРОР КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МАЖБУРИЙ ИЖТИМОЙ-ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИ ИСЛОҲ ЭТИЛМОҚДА

Жамият соғлом бўлса, давлат барқарор бўлади. Шу боис Қозоғистонда тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш, ҳар бир фуқаронинг соғлигини давлат кафолатида таъминлаш мақсадида муҳим қадам ташланди. Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев томонидан «Мажбурий ижтимоий-тиббий суғурта ва тиббий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун имзоланди.

Бу қонун – инсонпарвар сиёсат ифодаси, жамиятнинг кам таъминланган қатламига давлатнинг амалий ёрдами, фуқаро саломатлигига бўлган масъулиятли муносабат намунасидир.

Қонун билан Қозоғистон Республикасининг қуйидаги бешта асосий кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

- “Никоҳ ва оила тўғрисида”ги кодекс,
 - “Тадбиркорлик” кодекси,
 - “Аҳоли соғлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисида”ги кодекс,
 - “Ижтимоий кодекс”,
 - “Бюджет кодекси”.
- Ушбу ўзгартиришларнинг асосий мақсади – тиббий хизматлар тизимини созлаш, суғурта ва кафолатланган тиббий ёрдам ўртасидаги вазифаларни ажратиш ҳамда аҳоли учун давлат кафолатларини янада кенгайтиришдан иборат.

МИТС тизимидаги асосий ўзгаришлар

2026 йил 1 январдан эътиборан, тиббий хизматлар бирлаштирилган ягона асосий пакет таркибида тақдим этилади. Бу пакетга қуйидагилар киради:

- тез тиббий ёрдам ва шошилинч тиббий хизматлар;
- паллиатив – оғир ва давоми касалликларга чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тиббий ва ижтимоий ёрдам;
- юкумли ва ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш;
- скринингларнинг айрим турлари (онкология ва бошқа хавфли касалликлар) – суғурта мақомидан қатъиназар.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг аксарият қисми МИТС тизимида ўтказилади. Бирламчи қабул эса кафолатланган тиббий ёрдам доирасида сақланиб қолади.

Онкологик скрининглар МИТС тизимидан кафолатланган бепул ёрдам пакетига ўтказилади.

Режа асосидаги тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади. Махсус таҳлиллар орқали иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволдаги оилалар аниқланиб, уларнинг аъзоларига МИТС маблағлари маҳаллий ҳокимлик ҳисобидан тўланади. Натижада 1 миллион фуқаро давлат ҳисобидан суғурта тизимида жалб этилади.

МИТС тизимида камида беш йил узлуқсиз бадал тўлаган шахслар, асосли сабаблар билан тўловларни вақтинча тўхтатса, олти ой мобайнида суғурталанган мақомини йўқотмайди

Бу меъёр фуқароларнинг суғурта кафолатларини янада барқарорлаштириш ҳамда вақтинча ишсизлик ёки иқтисодий қийинчилик пайтида ҳам тиббий ёрдамдан узилмасликка хизмат қилади. Бугунги ислохотлар Қозоғистонни кучли ижтимоий давлат сари етаклаётганини яққол кўрсатади. Инсон манфаатларини устувор қўйган давлат фақат замонавий технологиялар ва иқтисодий ўсиш эмас, балки ҳар бир фуқаронинг соғлиги ва ҳимояси учун ҳам масъул эканини намоён этмоқда.

Янги Қозоғистон руҳида айтганда – инсон қадрини улуглаган давлатгина келажакни ёрита олади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

KAZINFORM. Қозоғистон Миллий хавфсизлик қўмитаси сўнгги кунларда кўпайиб бораётган сохта ходимлардан огоҳликка чорловчи муҳим баёнот билан чиқди. Мазкур сохта шахслар ўзларини МХҚ ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходими сифатида кўрсатиб, фуқароларни алдаб, тузоғига илтинтиришга уринишмоқда. Бу ҳақда Kazinform агентлиги хабар берди.



МХҚ АҲОЛИНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

Маълум қилинишича, фарибгарлар фуқароларга кўнғироқ қилиб, уларнинг банк ҳисобларида «шубҳали операциялар» аниқланганини ёки гўёки олиб борилаётган тергов ишига алоқадорликлари ҳақида хабар беришади. Айрим ҳолатларда, ҳатто миллий хавфсизликка таҳдид ҳақида гапириб, фуқароларни террорчиликнинг олдини олиш учун шошилинч ҳаракат қилишга ундашади. Фарибгарлар ўз сўзларини «исботлаш» мақсадида мессенжерлар орқали сохта хизмат гувоҳномаларини кўрсатишади ёки МХҚ логотипи тасвирланган сохта ҳужжатларни юборишади. Улар фуқароларни пули «хавф остида» эканига ишонтирар экан, маблағни «хавфсиз ҳисоб-рақамга» ўтказишни ёки гўё текшириш мақсадида қарз олишни таклиф қилишади.

Шунингдек, айрим ҳолларда сохта ходимлар «ишга жойлаштириш» ёки «ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш» учун ҳам маблағ талаб қилиш ҳолатлари қайд этилган.

Қўмита таъкидлаганидек, бу каби ҳаракатлар Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 190-моддаси (Фарибгарлик) ва 385-моддаси (Ҳужжатларни сохталаштириш, тайёрлаш ёки тарқатиш) доирасига киради.

МХҚ фуқароларни расман огоҳлантиради: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳеч қачон телефон орқали пул талаб қилмайди ва сизнинг банк ҳисоб-рақамларингизга дахл қилмайди. Агар сиз шундай кўнғироқ ёки шубҳали таклиф қабул қилган бўлсангиз, зудлик билан полиция идораларига мурожаат қилишингиз зарур.

УФАДА “КЎҲНА ТУРКИСТОН ВА ЯССАВИЙ МЕРОСИ” КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

KAZINFORM. Уфа шаҳридаги Бошқирдистон Республикаси Миллий музейида туркий олам маънавияти ва маърифатига бағишланган муҳим воқеа – “Кўҳна Туркистон ва Яссавий мероси” деб номланган халқаро кўргазма очилди. Ушбу кўргазма Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ташаббуси ҳамда “Ҳазрат Султон” миллий тарихий-маданий музей-қўриқхонаси кўмагида ташкил этилди.

Экспозицияда Буюқ Ипак йўли маркази бўлган Туркистон шаҳрининг тарихий қиёфаси, унинг бой археологик қазилмалари, маданий мероси ва халқ хунарамандчилигига оид ноёб экспонатлар ўрин олган.

Буюқ файласуф, юксак маънавий ирфон ва ҳикмат сардори – Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва меросига алоҳида эътибор қаратилди. XII асрда яшаб ўтган бу буюқ зотнинг ҳаёти, таъли-



моти ва унинг замонлар оша кен тарқалган тасаввуфий мактаби ҳақидаги қимматли маълумотлар кўргазмадан ўрин олган.

Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев томонидан белгилаб берилган йўналиш – Яссавий меросини жаҳонга тарғиб этиш, унинг маънавий куч-қудратини ҳозирги замон билан уйғунлаштириш мақсадида кўргазмадаги экспонатлар янада бойитилди. Унда Тур-

кистон атрофидан топилган тарихий ашёлар, қўлёзмалар, меъморий шакллар, Амир Темур замонида қурилган мақбара тасвирлари, нумизматик ва кулолчилик буюмлари намоиш этилмоқда.

Айниқса, Яссавий таълимнинг Бошқирдистондаги ижтимоий ҳаётга таъсири – хусусан, XIV асрда яшаган қози ва ирфон пешвоси Хусайнбек ҳақидаги маълумотлар кўргазманинг эъти-

борга молик жиҳатларидан биридир.

“Кўҳна Туркистон ва Яссавий мероси” деб номланган мазкур маърифий-тарихий кўргазма 2025 йил 3 августгача давом этади. Бу кўргазма нафақат туркий олам тарихи ва маънавиятини англаш, балки халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

ЮРТИНГ ОБОД – ДИЛИНГ ОБОД

**САЙЁҲЛИК – МАМЛАКАТНИ
ОЛАМГА НАМОЁН
ЭТУВЧИ КЎЗГУ**

Дунёга қарасангиз, ҳар бир юрт ўзининг табиати, тарихи ва маданияти билан танилмоқда. Аммо сайёҳни жалб этувчи энг муҳим жиҳат – бу нафақат тарихий ёдгорликлар, балки юрт аҳолисининг меҳмондўстлиги, жамиятдаги тартиб-интизом ва хавфсиз муҳитдир. Вилоятимиз сайёҳлик учун бекиёс имкониятларга эга. Лекин сайёҳлик де-ганда фақат дам олишни эмас, балки юртимизнинг салоҳиятини бутун дунёга танитиш имкониятини тушуниш лозим.

МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЭЛЧИСИ

Ҳар бир келган сайёҳ – бу бизни кузатаётган юз минглаб одамнинг нигоҳи. У ердаги тозалик, халқнинг юзидаги табассум, таомнинг мазаси, йўлдаги белгилар, ҳатто бир аҳолининг меҳмондўстлиги – биз ҳақимизда манзара яратлади. Туризм – бу фақат иқтисодиёт эмас. У миллатнинг маънавиятини белгилловчи ойна. Қадимий шаҳарларимиз, меъморий ёдгорликларимиз, халқ амалий санъати, миллий таомларимиз ва энг муҳими – одамларимизнинг қалбидан таралаётган самимийлик – мана шулар бизга юз минглаб меҳмонни олиб келиши мумкин бўлган бойлиқдир. Шу маънода, Чордара ҳавзаси атрофидаги соҳилларнинг ҳолати ва улардаги



инфратузилма мамлакатимизда соҳани қай даражада ташкил этишга қанчалик жиддий ёндашилаётганини намоён этади. Чордара сув ҳавзаси ва унга туташ соҳилларда ҳар йили юз минглаб сайёҳлар дам олади. Улар орасида маҳаллий аҳоли ҳам, чет эллик меҳмонлар ҳам бор. Шу боис бу ерда санитария, хавфсизлик, экологик тартиб, қонуний ҳужжатлаштириш, тадбиркорлар масъулияти каби кўплаб масалалар кун тартибидан тушмаяпти. Вилоят ҳокими Нуралхан Қўшеровнинг соҳилларда олиб борган назорати ва танқидий мулоҳазалари айнан шу маънода жуда ўринли бўлди. Давлат раҳбари белгилаб берган вазифалар ижроси доирасида соҳилларни тартибга солиш, қулайлик яратиш, хавфсизликни таъминлаш каби ишлар тизимли йўлга қўйилмоқда. Вилоят ҳокими томонидан соҳилларда санитария талабларига риоя қилмаслик, қонунийлаштирилмаган фаолият, алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний савдоси, қутқарув хизмати етарли даражада эмаслиги каби камчиликлар кескин танқид қилинди. Шу билан бирга, тадбиркорлар ўз зимма-

ларида турган масъулиятни тўлиқ ҳис қилиши, шартномаларига амал қилиши шарт экани таъкидланди. Акс ҳолда, шартнома бекор қилиниши мумкинлиги ҳам айтилди. – Шунинг учун ҳам соҳиллардаги ҳар бир сўри, ҳар бир чиқинди қутиси, ҳар бир сувга тушиш жойи қатъий тартиб ва масъулият билан белгиланиши керак. Бу нафақат тадбиркорнинг иши, балки ҳар бир фуқаро, ҳар бир меҳмон учун яратилган маданий муҳитга бўлган эҳтиром ҳамдир. Сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, туризм инфратузилмасини яхшилаш, соҳилларда тозалик ва хавфсизликни таъминлаш – бу кенг қўламли ислохотларни талаб қилувчи жараён. Ва бу жараёнда давлат идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, хусусий сектор ва энг муҳими – жамиятнинг ўзи бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши керак. Зеро, сайёҳлик – фақатгина дам олиш эмас. У юрт кўзгуси, миллат юзи ва фаровонлиги тимсолидир, – деди вилоят раҳбари.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати
маълумотлари асосида.**

КУН ТАРТИБИДАН ТУШМАЙДИГАН МАСАЛА



Юртимизда қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги имкониятларни тўлақонли ишга тушириш масаласи ҳамisha давлатимизнинг диққат марказида бўлиб келган. Бугун ҳам бу йўналишдаги ишлар изчил давом этмоқда. Жорий ҳафтада вилоят ҳокимининг ўринбосари Нурбўл Турашбеков раҳбарлигида масъул йўналишдаги ишлар таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди. Йўналишда табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни созлаш бошқармаси томонидан балиқчилик хўжалиқларини

ҳисобга олиш натижалари тақдим этилди. Ҳозирда вилоятда 231та балиқчилик хўжалиги мавжуд бўлиб, шундан 164таси расмийлаштирилган, қолганлари бўйича тегишли ҳужжатлар тийёрланмоқда. Шунингдек, яшил майдонларни ўз вақтида сугориш қатъий назоратда экани маълум қилинди. Аграр соҳани ривожлантириш ва натижаларга эришиш, қайта ишлаш корхоналарини очиш бўйича ҳам муҳим масалалар кўриб чиқилди. Нурбўл Турашбеков бу борада жадал ҳаракат талаб этилаётганини қайд этиб, қўйидагиларни таъкидлади: – Масала фақатгина Сайрам тумани

билан чекланмайди. Ҳар бир туман ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш салоҳиятини юзага ошириши керак. Масалан, Сайрам туманида ҳар йили 116,2 минг бош йирик ва 118,9 минг бош қўй-эчки сўйилади. Бу – терини қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш учун улкан имконият. Шу боис, туман ҳокимлиги билан биргаликда мол терисини тўлиқ қайта ишловчи корхона ташкил этиш борасида сармоядор жалб қилиш зарур. Вилоят ҳокимининг ўринбосари маҳаллий тадбиркорларга бошқа ҳудудлар тажрибасини етказиш, давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдамлар ҳақида атрофлича маълумот бериш, заруратга қараб ҳукуқий ёрдам кўрсатишни муҳим вазифа сифатида қайд этди. Бу эса, албатта, соҳа ривожига хизмат қилади. Йўналишда яна бир долзарб масала – рўйхатдан ўтмаган қишлоқ хўжалиги ерларини давлат тасарруфига қайтариш ҳақида сўз борди. Бу йўналишда Саврон, Қазигурт ва Тўлебий туманлари олдинги ўринлардан четда қолгани айтилди. Йўналиш якунида қатор вазифалар белгиланди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари берилган вазифаларнинг ижроси кундалик назоратда бўлишини таъкидлади.

**Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.**

ЮРАГИДА ПАЙВАНД НУРИ ПОРЛАГАН ИНСОН

Юртимизда сўз эмас, маҳорати билан танилган қўли гул усталар кўп. Улар кам гапиради, лекин қилган ишлари бутун қишлоққа кўринади. Ана шундай салоҳиятли инсонлардан бири – Мирамат Нурумбековдир. У пайвандлаган темирлар, синган, ишдан чиққан улкан механизмлар яна жонлана бошлайди. Унинг дафтарига неча минг метр сим, неча тонналик темир тўрлар ёзилганини ҳисоблаб бўлмайди. Чунки у ҳар куни ҳамқишлоқлари, халқ учун хизмат қилиб, пайванд шуъласи билан темирга ҳаёт бахш этади. Мирамат Қўчқор ўғли Ал Форобий номли мактабни таъмомлаб, меҳнат фаолиятини «1 Мамир» давлат хўжалигидаги машина-техника паркида пайвандчиликдан бошлади. – Темир ҳам инсонга ўхшайди. Унинг ҳам ўз ўрни, ўз қадри бор. У ўз вақтида тўғри пайвандланса, асрлар бўйи хизмат қилади, – дейди уста. – Мен пайвандчиликни ҳаётимнинг маъноси деб биламан. Бу сўзлар шунчаки гап эмас.



Унинг ҳар бир пайванд нуқтаи ортида масъулият, фидойилик ва юракдаги муҳаббат мавжуд. У пайванд қилаётгандаги ҳаракатларини диққат билан кузатсангиз, гўё олов унинг қалами, темир қоғози экандек туюлади. Ва уста бу “қоғоз”га меҳнатга мадҳия ёзаётгандек гўё. 35 йилдан буён у пайвандчи

сифатида фаолият юритмоқда. Аммо унинг учун ҳар бир кун – янги бир сабоқ, янги бир бунёдкорлик. Бу йил у ҳам меҳнат жаҳҳасидаги хизматлари учун фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Лекин у ҳар доимгидек камтар: – Мукофот қоғозда эмас, юракда бўлиши керак. Бу – юр-

2025 йил –
Ишчи
касблари
йили

тимга қилаётган хизматим учун элнинг миннатдорчилиги, – дейди у. Турмуш ўртоғи Сайёра Набижон қизи билан тўрт фарзанд тарбиялаган, улар ҳам шу заминда камол топди. Ҳозирги кунда Иқбол, Диана, Журъатбек, Зулфия ҳаётда ўз ўринларини топиб, эл қорига камарбаста инсонлар сифатида ҳамқишлоқларининг эътиборини қозонмоқда. Фарзандлар меҳнатни оталаридан, унинг юзидан, қўлидаги излардан ўрганишган. Улар ҳам унинг каби эл учун хизмат қилмоқда. Чунки отаси уларга бойлик эмас, юксак инсонийлик меросини қолдирмоқда. М. Нурумбеков сингари инсонлар бор экан, “Янги Қозоғистон”нинг таянчи мустақкам, меҳнат туфайли тарқиётган ва бахт эшиклари очиқ. У пайвандлаган ҳар бир темирда юрт ободлиги, ел бахти ва фаровон келажақ тимсоли мужассам.

С. МИРЗО.

Тасвирда: Мирамат Нурумбеков ҳамкасблари даврасида.

»» Абай Қунанбаев таваллудига – 180 йил

БУЮК МУТАФАККИР ҲИКМАТЛАРИ – ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ



АБАЙ – МАЪНАВИЯТ ТИМСОЛИ

2025 йилда мамлакатимизда қатор кутлуғ саналар нишонланади. Уларнинг орасида энг эътиборлиси – буюк шоир, мутафаккир ва маърифатпарвар Абай Қунанбаев таваллудининг 180 йиллигидир. Бу сана халқнинг тарихий хотирасида, маънавий дунёсида ва миллий ўзлик ҳиссида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки Абай нафақат қозоқ адабиётининг сўнмас юлдузи, балки бутун туркий олам зиёлиларининг қалбини нурга тўлдирган руҳий қомусдир.

2020 йил 4 августда Қозоғистон Республикаси Ҳукумати махсус Қарор қабул қилди. Унга кўра, ҳар йили 10 август – Абай кунини сифатида нишонланадиган расмий байрамлар рўйхатига киритилди. Бу санада мамлакат бўйлаб катта илмий-маърифий, маданий-маънавий тадбирлар, давра суҳбатлари, шеърхонлик кечалари, китоб тақдиротлари ва Абай меросига асосланган мулоқотлар ташкил этилади.

Абайнинг бебаҳо мероси – унинг “Насихатлар”и, ғазал ва шеърляти, шунингдек, халқни билим, маърифат ва инсонпарварликка қорловчи даъватлари бугунги Янги Қозоғистон жамияти учун ҳам йўлбошчи вазифасини ўтамоқда. У инсон қалбини поклаш, жамиятни маънавиятга қорлаш, илм ва адолатни барпо этиш ғоялари билан авлодлар учун ибрат мактабидир. Шу боис, 2025 йил – Абай таваллудининг 180 йиллиги муносабати билан бутун мамлакат бўйлаб ўтказиладиган тадбирлар нафақат улуг шоир хотирасини ёд этиш, балки унинг қалбларга синган руҳини янада теранроқ англаш, ўзлгимизни англаш сари ташланган яна бир қадам бўлади. Абай – ўтмишдан сўз очган, келажакка йўл кўрсатган миллатнинг маънавий етакчиси. Шунинг учун ҳам ҳар бириимиз унинг асарларини муролаа қилиш ва фалсафасини ҳаётга татбиқ этиш орқали ўзлгимизни англаймиз. Унинг фалсафий тафаккури, қалб ифодалари ва маънавий мураббийлик ҳақидаги сўзлари бугунги жамиятимиз учун ҳам маънавият йўлини ёритувчи маёқдир. Унинг ҳар бир сўзи – бутун бошли ҳаёт мактаби. Шундай экан, уни чуқур тушуниш учун Абай асарларида энг кўп учрайдиган беш тушунчага назар ташлаш зарур.

АҚЛ – НУРГА ОЧИЛГАН ЭШИК

Абайнинг “Насихатлари”да ақл инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи буюк неъмат сифатида талқин этилади. У “ақл” сўзини 199 марта ишлатган. Бироқ бу ақл нафақат мантиқ, балки “нурли ақл” – эзгуликка етакловчи қалб машағли. Абай таъкидлайди: “Киши ақлсизлигидан эмас, балки ақлнинг галини тинглай оладиган жасорат ва иродадан маҳрум бўлганидан йўқолади”. Шунинг учун ақл доимо қалбга, яъни юракка бўйсунуши лозим. Чунки юрак – қалб нурининг манбаи.

ЮРАК – МАЪНАВИЯТ МАНБАИ

Абай қаламида “юрак” – тан ва жоннинг ҳақиқий ҳукмдори. У 156 марта ушбу сўзни қўллаган. Қуръони каримда ҳам “қалб” тушунчаси 132 марта тилга олинган. Бу юракнинг илоҳий мағзи эканини кўрсатади. Абай юракни “дўстлик манбаи”, “нур уяси” сифатида тасвирлайди. Унингча, қалб пок бўлса, жамият ҳам покланади. Бу борада у буюк мутафаккирлар, жумладан, Форобий билан ҳамнафас. “Тирик одам учун энг муҳими – юрак. “Ботирлик” ва “қўрқоқлик” хислатлари “юрак”дан туғилади. Халқ ботирни “юракли”, қўрқоқни эса “юраксиз” дейди. Довжорак инсон юрак амрига амал қилади ва бир сўзли бўлади: у қарвоннинг ортдан ит каби эргашавермайди, балки йўлдан адашганлар отининг бошини тўғри йўлга буриб юборишга ярайди”, дейди у.

ИБРАТ – ҲАЁТИЙ УСТОЗ

Ҳаётда ҳамма ҳам кўради, эшитида, аммо ҳамма ҳам ибрат олиш қобилиятига эга эмас. Бу фақат доноларга хос фазилат. Абай “ибрат” сўзини 16 марта қўллаган. Унингча, ҳар бир воқеа, ҳар бир гап қалбдан ўтиши ва тафаккурда мужассам бўлиши керак. Абай таълимотида бу дунё – “катта Қуръон”, инсон эса ҳар лаҳзада уни ўқиб, ҳаёт маъносини англаши даркор. Унингча, ҳар бир туб фикр – ҳикматдир. Шу жиҳатдан у Сукрот билан ҳам муштарак нуқтада учрашади: “Тўғри савол қўйган – ҳақиқатга яқинлашган”.

МЕҲНАТ – КАМОЛОТ ЙЎЛИДИР

Абай ҳаётида меҳнат шунчаки кун кечириш воситаси эмас, балки инсон камолотининг мезони сифатида намоён бўлади. У “меҳнат” сўзини 47 марта қўллаган. “Ўзинг учун меҳнат қилсанг, нафс учун яшайсан. Аммо инсонлик қарзи учун меҳнат қилсанг, Худо сени яхши кўради”, дея таъкидлайди у.

ИЛМ – РУҲИЙ ЮКСАЛИШ ДАРВОЗАСИ

Инсоннинг зехни ва қалбини нурлантирувчи энг буюк неъмат – бу илм. Абай бу сўзни 111 марта ишлатган. Унга кўра, илм – бу фақат маълумот эмас, балки Оллоҳнинг сифати. Илмни севган – ҳақиқатни, инсонийликни севган инсондир. “Илм – Оллоҳнинг бир сифати, унга муҳаббат – ҳақиқат ва инсонлиқни англашир”, дейди Абай. Бу фикр Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “Олимнинг зиёси шаҳиднинг қонидан афзал” деган ҳадиси билан ҳамоханг.

АБАЙ – МАЪНАВИЙ УСТОЗИМИЗ

Абай фалсафаси бугунги Янги Қозоғистон фуқароси учун ҳам буюк мактабдир. Чунки у бизга ақл билан фикрлаш, қалб билан ҳис қилиш, меҳнат билан яшаш, илм билан юксалиш ва ибратга лойиқ яшашни ўргатади. Бундай фалсафа, шубҳасиз, эртанги порлоқ келажақ пойдевори бўла олади.

А. АБДУФАТТОҲ.

ТОҲИР АБДАЕВ –
ЯНГИ ИҚОН
ҚИШЛОҒИ ҲОКИМИ

Янги Иқон қишлоқ округи ҳокими Тоҳир Абдаев(тасвирда) 13 июль кун-ги сайловда ҳамқишлоқлари қўллови билан навбатдаги муддатга қишлоқ ҳокими лавозимига сайланди. Мубо-рак бўлсин!

Фаол обуначимиз Тоҳир Абдаев 1965 йили 18 ноябрда Туркистон вилояти, Саврон тумани Янги Иқон қишлоқ окру-гида таваллуд топган. Меҳнат фаолияти-ни 1984 йили Нукус шаҳридаги Қорақал-поғистон Республикаси банк идорасида иқтисодчи бўлиб бошлаган.

1984-1986 йиллари Тула шаҳрида Со-вет Армияси сафидаги хизматини адо этди. 1986-1987 йиллари Янги Иқон қиш-лоқ кенгашида касса мудири, 1987-2000 йиллар оралиғида III интернационал колхозида ҳисобчи, 2000-2001 йиллари Янги Иқон ишлаб чиқариш ширкатида бош ҳисобчи, 2001-2003 йиллари “Са-мандар” МЧБ бош ҳисобчиси бўлиб иш-лади.

2003-2008 йиллари вилоят статистика бошқармасига қарашли Кентов шаҳар статистика бўлимининг бош мутахасси-си, Туркистон шаҳар статистика бўлими мутахассиси, Янги Иқон қишлоқ округи ҳокимлиги девонида бош мутахассис, ер инспектори бўлиб ишлади.

2011-2021 йиллар оралиғида Янги Иқон қишлоқ округи ҳокими, ҳоким ўрин-босари вазифасини бажарувчи, ҳоким ўринбосари бўлиб, меҳнат қилди.

2021 йил июль ойидан бошлаб, бугун-ги кунга қадар Саврон тумани Янги Иқон қишлоқ округи ҳокими лавозимида са-марали меҳнат қилди. Шаҳар, туман ва вилоят кўламида меҳнатлари муносиб баҳоланган. Оилали. Умр йўлдоши би-лан қобил фарзандлар – икки ўғил, икки қиз тарбиялаб, вояга етказган.

Ш. МАДАЛИЕВ.

P.S. “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририя-ти фаол обуначимиз Тоҳир Абдаевни ҳамқишлоқларининг холис қўллови билан Янги Иқон қишлоқ округи ҳокими лавозимига сайланганлиги муносабати билан муборакбод этиб, мустақам соғлиқ, масъулиятли фаолиятида ян-ги зафарлар тилайди. Қишлоқ ЎЗМБ раиси Ўсар Неъматуллаев, вилоят оқсоқоллар кенгаши хайъати аъзоси Бобожон Ёқубов ҳамда таниқли боғбон Олим Қосимовлар ҳам барча яншиқон-ликлар каби ушбу ниятимизга тилак-дош.

»» Туркистоннинг азиз қадамжолари

Уккоша ота мақбараси ва қудуғи (VII-IX аср). “Азрет Султан” давлат тарихий-маданий музей-қўриқхонасига қарашли республика аҳамиятига эга ёдгорлик. Туркистон шаҳридан ши-молга қараб 55 чақирим жойда, Қоратоғ этагида жойлашган. Дастлаб, фақат қабр ўрни бўлган холос. 1940 йиллари дастлабки чироқчиси Комил қори қабр устида узунлиги 32 метрлик сағана қурдиради, айла-насини ободонлаштириб, 5 гектар майдонни тош девор билан қўрган қилиб, боғ яратади. Боғни булоқ суви билан суғорган.



Зиёратчилар қудуқдан сув ичгач, пул ташлашни одатга айлантирган. Бу ёдгорлик фаолиятига салбий таъ-сир кўрсатди. 1980 йили қудуқ ичига тушиб, пул изловчилар, асосан, ўс-мирлар, бир неча марта қазо бўлгач, давлат томонидан махсус комиссия ташкил этилиб, қудуқ оғзи бетон билан ёпиб ташланган. Лекин, кўп ўтмай, қудуқ яна очилиб, ёдгорлик аслига келтирилди. Ҳозирги сағана-ни 1989-1990 йиллари маҳаллий аҳо-ли бунёд этган бўлиб, икки хонадан иборат. Биринчиси даҳлиз, иккинчиси узунлиги 22 метр, эни 8,6 метрлик қабрхона.

Уккоша ота қудуғи бошида кийгиз уй тарзда кичик иншоот қурилган. Унинг диаметри 4,5, баландлиги 3,5 метр. Қудуқнинг теранлиги 23 метр. Уккоша ота юртимизга Исо-лом динини тарғиб этувчи кўмон-дон қаторида келган. Ривоятлар-га кўра, Уккоша отанинг танаси қилич чополмайдиган, ўк ўтмай-диган даражада илоҳий қудрат-ли, алп гавдали инсон бўлган. Душманлари Уккоша отани ўл-диришга бир неча бор уриниб кўриб, ниятига етолмайдди. Ҳийла йўлига ўтиб, хотинидан Укко-ша ота вужуди намоз пайтида балқиб турадиганлигини билиб олишади. Тоат-ибодат чоғида

УККОША ОТА
МАҚБАРАСИ
ВА ҚУДУҒИ

Комил қори Ҳайдар ўғли Қарноқ қишлоғида 1911 йили дунёга келган. (1911----07.11.1974) Ислон динини теран ўрганиб, 8 ёшида қори бўлган. 1942-1947 йиллари Кентовдаги “Ач-полиметалл” шахтаси комбинатида ишчи батальонида меҳнат қилди. У Уккоша ота, Йиғлаган ота, Имом Бохилий, Муқим ота қабри устида сағаналар ўрнатган, йўл, кўприк-ларни тузатишга бошчилик қилган. Уккоша отада тунаб юрганида туши-да Уккоша ота: “Менинг тиззамдан қуйи томони қабрнинг ташқарисида қолган, деб аён берган экан. Комил қори 1947 йилдан бошлаб, Уккоша ота сағанасини қуйи томонга узай-тирган. Атрофдаги бир неча гектар майдонни тош билан қўршаб, булоқ суви билан суғориб, турли мевали дарахтлар ўтказган. Шу ерда 16 йил умр кечирган. 1974 йили жума куни 63 ёшида оламдан ўтган. Комил қори Ҳайдар Аллохнинг йўли билан юрган ўта ақлли, виждони пок ҳақиқий ва-танпарвар инсон бўлган.

Фаол обуначиларимиз, ёзувчи-шоир Эрназар Рўзиматов, вилоят оқсоқоллар кенгаши аъзоси Тўлқин Саидмуродов, нафақадаги фахрий устоз Ҳусан Убайдуллаевлар бирга Уккоша ота мақбараси ҳамда маш-хур қудуқни зиёрат қилдик. Саҳар-мардондан сафарга отлангандик. Мақбарада зиёрат ва қудуқ пойида челақ тортиб, сув олиш учун навбат-да турганларни кўриб, ҳайратимиз ортди. Яна бир жиҳати – зиёратчилар турли дин вакилларидан иборат эди. Зиёратчи ва сайёҳлар учун барча зар-рур шароитлар муҳайё қилинганлиги учун давлатимизга ташақкур.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Уккоша ота сағана-си; мрамар лавҳаларда тарих битил-ган; тепаликда жойлашган боғ булоқ суви билан суғорилади; чироқчи Комил қори ва Отажон домла сурат-лари музейга қўйилган; қудуқ пойи доимо гавжум.

Муаллиф ва
Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ суратга олган.

Тоҳир МАЛИК

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Шунга ўхшаш бошқа воқеа: Шухрат Умаров исмли шоир биродаримиз бўлардилар. (Аллоҳ раҳмат қилсин!) Шухрат ака талабалик йилларида йиқилиб, беллари майиб бўлиб ётиб қолган эдилар. Бу ҳолдан хабар топ-ган шоира синглимиз Насибохон тақ-дирларини шу ногирон шоир тақдири билан боғлашга қарор қилдилар. Ёш ва гўзал қизнинг бу қарори кўпчиликини таажжубга солди. Таажжубланганлар Насибохоннинг ташқи гўзалликларини кўрадилайару аммо қалб гўзалликла-рини, иймон гўзалликларини ҳис қила олмасдилар (Биз шунақамиз: ногирон фақат ногирон билан турмуш қуриши керак, деган бемаъни тушунча билан яшаймиз. Соғлом йигит шол ёки кўзи ожиз қизга уйланса, ажаблanamиз. Гўзал қиз ногиронни севса ишонқира-маймиз. Демаймизки, Аллоҳ розилиги учун қилинаётган бу амаллар нақадар гўзал!). Шухрат ака билан Насиб-ахонга Аллоҳ солиҳ ўғил фарзанд бер-ди. Шухрат ака ҳали ёш ўғилларига «онангни ҳаж ибодатига олиб бора-сан», деб васият қилган эканлар. Беҳ-зод улғайгач, отамерос автомашина сотилиб, васият бажарилди – Аллоҳ она ва болага улуг ибодатни насиб этди.

Насибохон бахтларини айнан шу оилада топанларига ишора эмасми бу! Улуғлик деганимиз ҳам шу, қаҳра-монлик деганимиз ҳам шу! Оиланинг муқаддас тушунча эканига ҳам ми-сол шу. Тилимизда «оила қурди» ёки «оила барпо этилди» каби иборалар



кўп учрайди. Шунинг қаторида «оила бўзилди» ёки «оиласи барбод бўлди» деганлари ҳам бор. Демак, оила умр йўлидаги гўзал бир саройга ўхшати-ляпти. Демак, уни қуриш керак. Қўр-ганда ҳам пойдеворини мустақам қилиб, турмушнинг зилзилаю дўлла-рига бардош берадиган тарзда бино қилиш шарт. Демак, «оила» ёшлар кўлига тантана билан тутқазиладиган зарқоғозга ўралган ширинлик эмас. Афсуски, айрим бадавлат ота-она-ларга оилани шундай тушунадилар ва фарзандларини моддий жиҳатдан тўла-тўқис таъминлаб қўйиш билан ки-фояланиб, «оила қурилди», деб хотир-жам бўладилар. Тўғри, оила саройини қуришда ота-онанинг вазифаси ҳам мавжуд. Аммо тўлалигича қуриб бера олмайди. Бу қурилишда эр-хотиннинг

Келинлар дафтарига

ўзи ҳам фаол иштирок этмас экан, бу сарой дастлаб шоколад каби кўринса ҳам, аммо сал вақт ўтиб эрий-эрий йўқ бўлиб кетади. Ўзича эриб кетса, тақ-дирга тан берилар, аммо бу шоколад қасрга кўз олайтирувчилар ҳам топи-либ қолса-чи?

“Ўиланишдан олдин иккала кўзин-ги катта оч, уйланганиндан кейин биттасини юм”, деган тағдор бир ҳик-мат борки, кўпчилик унга амал қил-майди. Аввало, йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам кўзларини катта очишларига ота-оналари йўл қўйишмайди. Кейин эса ёш хотиннинг ҳаракатларини кузатиш-да битта кўзни юмиш ўрнига тўрт-беш кўз билан қарай бошлайдилар.

Аҳмад Дониш айтган эканларким: «Агар келин-куёв бировларнинг гапла-рига, фиску фасодларига қирар экан, уларнинг ширин турмушлари бузила-ди, ораларига совуқлик тушади». Йи-гит ва қиз ёстикдош бўлгунларига қа-дар бир-бирларининг одатлари, феъл-атворлари ва руҳиятларини мукаммал ўрганишмаса, оилани бахтиёрлик пойдевориغا қуришлари осон бўл-майди. Чунки яхши оила қуриш учун бўлгина муҳаббат кифоя эмас. Орада дўстлик ва ишонч ҳам бўлиши керак. Шундай оилаларни учратамизки, эр-хотин бир-бирини севади, турмуш қуришни эса билмайди. Оила қуришда маълум босқичларда биргаликдаги кураш, машаққатларни биргаликда ениб ўтиш талаб этилади. Дейдилар-ки: «Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади».

Яъни, бир-бирига кўнгил қўйган йигит ва қиз унча-мунча хато ва камчилик-ларни сезмайдилар, сөзсалар ҳам эътибор бермайдилар. Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлса, оиланинг кўзлари ҳа-миша очиқ бўлади. У ҳатто тунлари ҳам юмилмайди. Илгари арзимас хи-собланган камчиликлар жиддий аҳа-мийт касб эта бошлайди. Ота-оналар-нинг эса бошлари қотади: ахир бир-бирларини яхши кўришарди-ку? Йигит «шу қиздан бошқасига ўйланмайман», деб қанча «номзод»ларни рад этган эди-ку? (Қиз ҳам бошқа йигитларни хушламаган эди!)

Бир-бирини билиш – бир-бири ҳақида ҳамма нарсани билиш эмас. Бу бир-бирига нисбатан ишончли ва ёқимли муносабатда бўлиш, бир-бирига ишониш демакдир. Одам бошқа шахснинг руҳий оламига бостириб киришга уринмаслиги керак. Аёл би-лан танишиш учун бир неча дақиқа етарли, уни яхши билиш учун эса йиллар керак. Айрим «доно»ларнинг фикрича, аёлни тўлиқ билиш учун у билан ажрალიш керак экан. Албатта, бу фикрни ҳазил маъносиди қабул қиламиз. Лекин, айрим эр-хотинлар ажрალიшиб кетишганларидан сўнг, айниқса, бошқа оила қурганларидан кейин бир-бирларининг қадрларига ета билайдилар. Аксарият яхши эр-нинг қадрига етмаган хотинга Аллоҳ янада золимоқ эрни, солиҳа аёлнинг қадрига етмаган эрга эса куйдиргучи хотинни рўпара қилиб қўяди. Чунки эр

ёки хотин шайтон васвасасига кириб, Раҳмон йўлини унутганлари учун шун-дай жазони олишлари тайин. Аллоҳ буоярадики: «Эй иймон келтирганлар! ...улар (хотинларингиз) билан тотув турмуш кечиринглр. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз (билиб қўйингки) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилиқ пайдо қилар» (Нисо сурасидан). Аллоҳ иймон келтирганлар, деб мурожаат этияпти. Демак, иймон келтирдингми, энди иймон шартларидан бири бўл-миш оиланг ҳаққига риоя қил, тотув яша. Бўлар-бўлмасга жанжал чиқарма. Хотинни (ёки эрни) янгилашга ошиқма. Оилани қайта-қайта бузиш иймонсиз-ларга хосдир.

(Давоми бор).



ОИЛА ВА
ГЕНДЕР СІЕСАТИ
КОНЦЕПЦИЯСИ - 2030

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳри-рияти ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раисининг муовини, ҳамжамият хотин-қизлар кўмитаси раисаси, таълим соҳаси фахрийи

Нуруниса Ҳажимол қизи
ДҮСМЕТОВА-

нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва ёру биродарла-рига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин!

»» Премьера

Бахнадаги ҳаёт – ҳаётдаги сахна



»» Вилоят ЎЭМБ фаолиятдан

ҚОРАЧИҚДА БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН ЖОМЕ МАСЖИДИДА

МОЛЬЕР АСАРИ ПРЕМЬЕРАСИГА ТУРК РЕЖИССЁРИ ЯНГИ НАФАС БАХШ ЭТДИ

Ҳаёт сахнага, сахна ҳаётга айланидиган паллалар бўлади. Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида намоиш этилган “Хасис” спектакли айнан шундай замонавий мазмун касб этган, мафкуравий юкламага эга асар сифатида театр ихлосмандларини ларзага солди. Бу сафар томошабинлар нафақат машҳур фаранг адиби Жан-Батист Мольернинг фалсафий асари, балки халқаро миқёсда тан олинган туркиялик маҳоратли режиссёр Кубилай Елдерикарининг ўзига хос ижодий ёндашувига гувоҳ бўлдилар. У ўндан зиёд давлатларда иш юритган. Туркий давлатлар театрлари ҳамжамияти котиби. Ана шу муъжизакор санъат намояндаси юртимиз сахнасига нафас, ҳаракат ва мушоҳада олиб кирди.



“Хасис” – бу оддий комедия эмас. У инсонни ўзига қарши қўядиган, қалбидаги туйғулар ва бойлик ўртасидаги курашни намоён этадиган асардир. Мольер томонидан 700 йил муқаддам ёзилган бу драматик сатрлар бугун ҳам, эртага ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Театр жамоаси мазкур спектаклни юксак масъулият, чуқур ижодий изланиш руҳида тайёрлади. Рассом Баҳром Искандаров томоша сахнасига нафосат бахш этган бўлса, Дилшод Ақромов мусиқий безакларни маҳорат билан оҳанглар дунёсига олиб кирди.

Бош ролни – Гарпагон образини фахрий актёр, сахна фидойиси Сайдиқарим Маҳмудов чуқур драматик руҳ билан ижро этди. Бош қаҳрамон хасис бой бўлиб, у бойлигини фарзандларидан ҳам, ҳатто ўзидан ҳам қизғанади. Бойлик унинг кўзини батамом кўр қилгандики, у қизининг бахтининг ҳам бойликка алмаштиришдан тоймайди. Актёрларнинг

сахнага тушиб ўйнаши, томошабинларни сўроққа тутиши томошабинни сергакликка чорлайди, у ҳам ўзини бевосита спектаклда роль ижро этаётгандек ҳис қилади. Умуман олганда, Зокиржон Шайлолов, Дилдора Раҳмоншиқова, Жавлон Саидов, Робия Комилжон, Одилжон Тўғонбоев, Савринисо Рўзиметова, Сайфиддин Усмонов, Рустамхон Саидхўжаев, Уллубек Носиров, Айдин Сиримова, Дилдора Холметова, Меруерт Жнаталиева, Эрали Тўламетовлар ўзларига берилган ролни ажойиб тарзда, моҳирона ижро этишган.

“Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал”, деганларидек, “Хасис” спектаклини кўришингизни тавсия қиламан. Афсуски, ҳозирча театр жамоаси навбатдаги таътилга чиққан. Аммо яқин кунларда спектаклнинг сахнага қайтиши ва минглаб юракларни забт этиши, шубҳасиз.

Хуршид ҚҶЧҚОРОВ.



Вилоят ЎЭМБ раиси Баҳодир Ирисметов ўринбосари Замир Муҳаммаджонов, шаҳар маслаҳати депутати Дониёр Аюповлар биргаликда Туркистон шаҳри яқинидаги Қорачиқ қишлоғида бунёд этилаётган жоме масжиди қурилиши билан танишди.



Жоме масжиди лойиҳаси муаллифи, фахрий меъмор Сора опа иштирок этган учрашув поёнида Баҳодир Ирисметов ҳомийлигида масжид қурувчилари ва қурилишни ташкил этишга камарбаста бўлаётган қорачиқлик зиёли намозхон ҳожи оталарга дастурхон ёзилиб, худойи оши тарқатилди. Фаол обуначиларимиз – Қорачиқ қишлоғи ЎЭМБ раиси Мирзахон Адҳамов, ўринбосарлари Жаъфар Исмагуллаев, Қодир Аҳмедов, “Турон” хўжалиги раҳбари Ҳабибулла Азимов, собиқ имом Қўчқор Тўраҳонов, қишлоқ имоми Усмон Шариповлар ўз мулоҳазаларини баён этиб, қурилишга ёрдам бераётган барча ҳимматли ҳамюртларимизга самимий миннатдорчилигини билдириб, дуо қилишди.

Фурсатдан фойдаланиб, Аҳмад Ясавийнинг суюкли невараси Сузук ота тугилиб, вояга етган масканда бунёд этилаётган маҳобатли жоме масжиди қурилишига юртдошларимизни фаол моддий ёрдам курсатишга чақирамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбир иштирокчилари; жоме масжидининг лойиҳадаги кўриниши.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

САБОҚЛАРГА БОЙ САОДАТЛИ ЯРИМ АСР

Фақатгина хотира эмас, балки инсон қалбини титратувчи руҳий сафардек ўтди бу кун. Тўлебий туманидаги обод ва файзли Султонработ қишлоғида жойлашган 17-сонли умумтаълим мактабининг 1975 йилги битирувчилари яқинда ўзларининг ярим асрлик учрашувини тантанали нишонлашди.

Ҳар бир чехрада секингина акс этган шукроналик, ҳар бир қучоқда соғинч, ҳар бир нигоҳда ўтмиш билан гўзал суҳбат мавжуд эди. Меҳрибон устозлар, ватанга хизмат қилган ўқувчилар, дўстликни авайлаган қалблар – ҳаммаси шу кунги унутилмас лаҳзаларда юрак юзасида юриб турди.



ХОТИРАЛАРГА БОЙ ОНЛАР

Учрашув тантанасини мактабнинг фахрий устози, 93 ёшни қарши олаётган Раҳима Солиева очди. Унинг қалбдан чиққан самимий сўзлари, ҳаётда тўплаган ҳикматлари барчани тўлқинлантирди. У шогирдларини ўз фарзандидек, ҳар бир юзни таниб, ҳар

бир исмини ҳиссиёт билан тилга олди.

Учрашувни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган Раҳмонқул Ҳасанов ҳаётдан кўз юмган синфдош ва устозларни эҳтиром билан ёдга олди. Қуръон тиловат қилинди, кўнгиллар эҳтиром ва ҳурмат билан тўлди. Бу сўзсиз, улар руҳи учун бағишланган энг гўзал армуғон эди.

СОҒИНЧ СЌЗСИЗ АНГЛАШИЛДИ

Йиғилиш давомида бир-бирини 50 йил мобайнида кўрмаган синфдошлар ҳам қучоқ очиб кўришди. Айримлар бир-бирини танимай қолди, баъзилар шундай сўз билан оғиз очдики, юрак ларзага келди. Ҳар бир шогирд юзидан илк кунларнинг самимийлиги,

хотираларга бой ёшлик кайфияти намоён эди.

Тадбирда мактаб устоз-мураббийлари Хуринса Худойберганова ва Хуриниса Ашрапова иштирок этиб, ўз шогирдларини фахр билан қузатди. Уларнинг ҳар бир сўзи меҳр билан қўшилган ҳикмат, тарбия мактабидек таъсирли эди.

ДИЛЛАРДАН ЖОЙ ОЛГАН МУАЛЛИМЛАР

Кеча фақатгина учрашув эмас, балки инсон қалбидаги буюқ қадрият – устозга ҳурмат рамзига айланди. Мактабда синф раҳбари бўлган, 40 йилдан зиёд мулоқотни узмаган ва саломатлиги туфайли тадбирда қатнашмаган Меҳринисо Тиланхўжаева ҳар бир битирувчига алоҳида совға йўллаб, ўзининг руҳий меҳрини изҳор этди. Шунингдек, 93 ёшли Раҳима опа билан рақс тушиш – кечанинг гўзал, ҳаётбахш оҳангига айланди. Устоз ва шогирд ўртасидаги руҳий боғланиш, дунёқараш, миннатдорлик ва садоқат айнан шу лаҳзада нафақат намоён, балки тилакка айланди.

ДЌСТЛИК БАРДАВОМ, УСТОЗЛИК АБАДИЙ!

Бундай учрашувлар – инсонийлик сабоқларини эслаш, улардан куч олиш, қадриятларни қайта тиклаш имконини беради. Тадбирни ташкил этишда дўстимиз Мурод Юнусовнинг ҳиссаси бекиёс бўлди.

Ҳаёт – оқар дарё каби, унинг оққан изларини қайтариб бўлмайди. Бироқ битирувчиларнинг ярим асрдан кейинги учрашуви шунчаки хотира эмас, балки шу йиллар давомида эл-юртга садоқат билан хизмат қилган, ҳаёт синовларидан ёруғ юз билан чиққан, фидокорлик ва инсонийликни ўлчов қилган инсонлар юрагидаги эзгу йўлнинг тантанаси бўлди.

Ушбу учрашувнинг мантиқий давоми сифатида ҳаммада биргина тилак қалб устида турди – келгуси ўн йилликларда ҳам ана шундай хотирали, файзли, теран маънавиятли давралар сўнмасин!

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ,
Қозоғистон Журналистлар
юшмаси аъзоси.

Директор – Бош муҳаррир учун Муроджон АБУБАКИРОВ.		Масъул шахслар: Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22 Қазигурт – Хуршид ҚҶЧҚОРОВ. +7701-447-37-42 Сайрам – Зокиржон МҶМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7742-144-60-71 Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентош, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97	
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҶРОНБОВЕВ.		Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳақида даъитларнинг тўғрилиши учун муаллиф- лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, КЗ34VРҶ00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-press” МҶБ босмахонасида chop этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.		Қозоғистон Республикасида тарқатилади. Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нуска. Бўғирчма 1568. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.	